



Abdazimova, D., Ximmataliyev, D. (2024). Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтиришнинг моҳияти, *Uluslararası Türk Dünyası Araştırmaları Dergisi*, 7(3), 181-190.

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ

Dilrabo ABDAZIMOVA*

Do'stnazar XIMMATALIYEV**

Аннотация: Ҳозирги вақтда тегишли даражадаги ва йўналишдаги малакали ишчини тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардош, компетентли, масъулиятли, ўз касбини эркин биладиган ва аралаш фаолият соҳаларига йўналтирилган, мутахассислиги бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга қодир, доимий касбий ўсишга тайёр мутахассисларга талаб ортиб бормоқда.

Мақолада педагогик таълим инновацион кластерларининг информатика, астрономия, мусиқа ва кимё, биология, тилшунослик ва бошқа билимнинг турли соҳаларида фаол қўлланилиши ва бу соҳаларнинг географик жиҳатдан маҳаллийлаштирилган ўзаро боғланган компаниялар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги кластерлари бир бирини тўлдириши ҳамда кластернинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган.

Шунингдек, кластернинг ўзига хос хусусиятлари, таълим кластерига берилган таърифлар келтирилган. Касбга йўналтириш ишларини амалга оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, иқтисодий ва ижтимоий корхоналар ва бандлик хизматлари билан ижтимоий шерикликда таълим муассалари томонидан етарли даражада самарали бажариш бугунги куннинг талаби ҳисобланади. Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини такомиллаштиришда бир қатор номувофиқликлар мавжуд бўлиб, мақолада уларни бартараф этиш борасида таклифлар берилган.


Бугунги кунда касбга йўналтириш ҳолатини турли даражадаги касбга йўналтириш амалиётининг инновацион кластерларига асосланган давлат бошқаруви иштирокида бозор иқтисодиёти шароитида янги шакл ва мазмунни излаш босқичи сифатида тавсифлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, барча муҳим саноат тармоқлари кластери корхоналар, бизнес, илм-фан билан бир қаторда, таълимни ўз ичига олади ва нафақат касбга йўналтириш, балки талабалар ва ёш мутахассисларнинг касбий ўзини ўзи белгилашда жуда жадал фаолият олиб боради.

Педагогик таълим инновацион кластери шароитида касбга йўналтиришнинг асосий мақсади талабаларга минтақа иқтисодиёти ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашда, ўқувчининг касбий мартаба ва ўзини ўзи ривожлантиришини лойиҳалашда ёрдам беришдан иборат. Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини мутахассислар фаолиятини кенг миқёсда ташкилий-методик таъминлаш, аҳолининг турли тоифаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари ва автоматлаштиришни жорий этиш, ахборот таъминоти ва касбий таълимни такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин. Педагогик таълим

* Dr., Niğde Ömer Halisdemir Üniversitesi, dilrubarustam@gmail.com

 ORCID ID: 0000-0001-7128-8919

** Çirçik Devlet Pedagoji Üniversitesi dostnazar.ximmataliev1969@gmail.com

 ORCID ID: 0009-0006-2626-3345

инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини муваффақиятли ҳал этиш учун талабаларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашлари ва шунга мос равишда ушбу ишни турли йўналишларда лойиҳалашлари учун шарт шароитлар яратиш зарур.

Калим сўзлар: меҳнат, бозор, компетентлик, мутахассислик, информатика, саноат, бизнес, таълим.

THE ESSENCE OF STUDENTS' VOCATIONAL GUIDANCE ON THE BASIS OF THE INNOVATIVE CLUSTER OF PEDAGOGICAL EDUCATION

Abstract: At present, there is a growing need to train qualified personnel of the appropriate level and direction, competitive, competent, responsible specialists in the labor market, who are fluent in their profession and focused on mixed fields of activity, able to work effectively at the level of world standards in their specialty and are ready for permanent professional growth.

The article discusses the active usage of innovative clusters of teacher education in various fields of computer science, astronomy, music and chemistry, biology, linguistics and other knowledge and the connection of clusters of these areas between territorially localized interconnected companies, research institutes, higher education institutions and other organizations, as well as issues of increasing the competitiveness of the cluster.

The specific characteristics of the cluster, definitions given to the educational cluster are also given. The requirement of today is that the implementation of career guidance work should be supported by the state and effectively carried out by educational institutions in social partnership with economic and social enterprises and employment services. On the basis of the innovative cluster of teacher education, a number of inconsistencies in improving the work of orienting students to the profession have been identified, and the article presents proposals for their elimination.

Today, the state of vocational guidance can be characterized as a stage of searching for a new form and content in a market economy with the participation of public administration based on innovative clusters of vocational guidance practices at various levels. From this point of view, the cluster of all significant industries includes enterprises, business, science, and education and is very active not only in career guidance, but also in the professional self-determination of students and young professionals.

The main goal of career guidance work in the context of an innovative cluster of teacher education is to help students choose a profession, taking into account the needs of the regional economy and the labor market, designing a student's professional career and self-development. On the basis of the innovative cluster of teacher education, work to orient students to a profession can be carried out through large-scale organizational and methodological support for the activities of specialists, socio-psychological support for various categories of the population, the introduction of information technologies and automation, and the improvement of information support and vocational education. It is necessary to create conditions for students to determine their own destiny accordingly to design this work in different directions in order successfully to solve the work on career guidance of students on the basis of an innovative cluster of teacher education.

Keywords: Keywords, keywords, keywords, keywords, keywords.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилаётган ислохотлар ўқитувчиларнинг Янги Ўзбекистон жамиятидаги нуфузи ва мавқеини янада оширишга хизмат қилади. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади маънавий бой ва баркамол, замонавий билимларга эга бўлган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда таълимни янгилашнинг асосий йўналишларини танлаш таълимни модернизациялаш, тегишли даражадаги ва йўналишдаги малакали ишчини тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардош, компетентли, масъулиятли, ўз касбини эркин биладиган ва аралаш фаолият соҳаларига йўналтирилган, мутахассислиги бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга қодир, доимий касбий ўсишга тайёр, ижтимоий ва касбий ҳаракатчан мутахассис модели билан боғлиқ. Талабаларни касбга йўналтиришда педагогик таълим инновацион кластерлари муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик таълим инновацион кластерлари билимнинг турли соҳаларида: информатика, астрономия, мусиқа ва кимё, биология, тилшунослик ва бошқаларда фаол қўлланилади ва бу соҳаларнинг ҳар бирида бу атама умумий семантик ядрони сақлаб

қолган ҳолда ўзига хос мазмунга эга. “Кластер” атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб (инглизча cluster) сўзма-сўз “тўплам” деган маънони англатади. “Кластер”, “кластерли ёндашув”, “таълим кластери”, “таълимда кластерли ёндашув” тушунчалари бугунги кунда кенг қўлланилмоқда ва замонавий иқтисодиёт билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Кластерлар ва кластерли ёндашув моҳиятини, шунингдек, улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятларини яхшироқ тушуниш учун “кластер” тушунчасининг талқини билан танишиш зарур.

Рақобатбардошликни оширишнинг самарали воситаси сифатида кластерларга қизиқиш 20-асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлди. Минтақавий рақобатбардошликни аниқлаш ва оширишда кластерли ёндашув асосчиси Гарвард бизнес мактаби профессори Майкл Портер ҳисобланади. “Ҳозирги замон иқтисодиётида, айниқса глобаллашув шароитида ... кластерлар – ўзаро алоқа шакллари ва ташкилотлар тизими биринчи ўринга чиқади, уларнинг аҳамияти таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидан яхлитликка олиб келинади” (81). Портернинг фикрига кўра, кластер – бу асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар, ихтисослаштирилган хизматларни етказиб берадиган географик жиҳатдан маҳаллийлаштирилган ўзаро боғланган компаниялар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар гуруҳи бўлиб, улар бир бирини тўлдиради ва алоҳида компаниялар ва яхлит кластернинг рақобатбардошлигини оширади (81). Майкл Портернинг фикрига кўра, мамлакатнинг рақобатбардошлигига унинг алоҳида фирмалари эмас, балки турли соҳаларидаги фирмалар бирлашмалари кластерлари орқали халқаро рақобатбардошлик призмаси орқали қараш керак. Шу билан бирга, кластерларнинг ички ресурслардан самарали фойдаланиш имконияти принципиал аҳамиятга эга. Олим ўз тадқиқоти давомида ўнта давлатдаги 100 дан ортиқ соҳанинг рақобатбардошлик имкониятларини таҳлил қилган. Маълум бўлишича, энг рақобатбардош трансиллий компаниялар одатда турли мамлакатлар бўйлаб тасодикий тарқалмаган, балки бир мамлакатда, баъзан эса ҳатто мамлакатнинг бир минтақасида тўпланган. Бу бир ёки бир нечта фирмаларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиб, яқин атроф-муҳитга: етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва рақобатчиларга ижобий таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Яқин атроф-муҳитнинг муваффақияти, ўз навбатида ташкилотнинг рақобатбардошлигининг янада ўсишига таъсир қилади. Натижада, бир-бирининг рақобатбардошлигининг ошишига ўзаро ҳисса қўшадиган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тармоқлар, фирмалар жамоаси – “кластер” шаклланади. Биринчисидан кейин кўпинча янги кластерлар ҳосил бўлади ва бутун мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ортади (Салаева, 2014).

Кластернинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича таърифланади: Кластер - бу ягона динамик тузилма; инновацион марказ, янги билимлар, технологиялар, маҳсулотларни тарқатишнинг барқарор ядроси; кластер фанлараро, аниқ чегараларга эга эмас, ахборотлаштиришнинг юқори даражасини эгаллайди. Шунга асосланиб, кластер - интеграция механизми бўлиб, уни ташкил қилиш, уларнинг ижтимоий ҳамкорлигини интенсификация ривожланишини таъминлайди (Михайлова-Салаева, 2014, б.74-80).

“Таълим кластери” тушунчаси дастлаб “фан-олий таълим муассасаси-ишлаб чиқариш” занжири билан боғлиқ бўлиб, ўрта ва олий касбий таълим сифатини

таъминлаш ва техник, саноат, ахборот инновацион лойиҳа ва тузилмаларни яратиш билан боғлиқ. Шу маънода “таълим кластери – бу соҳалар бўйича бирлаштирилган ва саноат корхоналари билан ҳамкорликда ўзаро боғланган касб таълими муассасалари йиғиндисидир” (Флоренкова-Щербова, 2010). Е.И.Чучкалова ва О.М.Мосунова таълим кластерига қуйидагича таърифни беради: “Таълим кластери – бир ҳудудда жойлашган таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, горизонтал ва вертикал боғланган, тегишли ҳуқуқий шаклга эга бўлган ва касб-ҳунар таълими соҳасида алоҳида иштирокчиларнинг ғояларига асосланган, умумий мақсадга эришиш, яъни синергик таъсир орқали фаолият юритувчи хўжалик субектлари йиғиндисидир” (Чучкалова, Чучкалова-Мосунова, 2013, б. 422-424).

Баъзан таълим кластери деганда “занжир ичидаги горизонтал алоқаларга асосланган, фан-технология-бизнес инновацион занжиридаги таълим, ўзаро таълим олиш ва мустақил таълим воситалари тизими” тушунилади (Шайдуллина, 2013). Касб таълимидаги кластерларни яратиш “бир (худудий, функционал) зона доирасида маълум бир таълим соҳасидаги бизнес лойиҳалар, фундаментал ишланмалар ва янги технологиялар, методикалар, интеллектуал маҳсулотларни лойиҳалаш ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун замонавий тизимларни бирлаштириш зарурати билан боғлиқ” (Шайдуллина, 2013).

Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини сифатли олиб бориш бугунги кунда таълим ва мамлакат иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли айниқса долзарбдир. Касбга йўналтириш ишларини амалга оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, иқтисодий ва ижтимоий корхоналар ва бандлик хизматлари билан ижтимоий шерикликда таълим муассасалари томонидан етарли даражада самарали бажариш бугунги куннинг талаби ҳисобланади.

Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини такомиллаштиришда бир қатор номувофикликлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

-ёшларни касбга йўналтириш бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги. Биринчидан, ҳеч бир олий таълим муассасасида бундай мутахассислар тайёрланмайди. Иккинчидан, касбга йўналтириш ишлари таълим муассасаларида тўлиқ штатдаги психологлар (агар мавжуд бўлса) томонидан амалга оширилади ёки бундай иш таълим тизимида турли лавозимларни эгаллаган ходимлар ўртасида тақсимланади, бу эса масъулиятсизликка, мотивациянинг пасайишига ҳамда ўқитувчиларнинг касбга йўналтириш ишлари самарасизлигига олиб келади (Блинов вб. 2014, б. 38). Бу номувофикликни бартараф этиш учун қуйидаги муаммолар ҳал қилиниши лозим:

- баъзи касблар бўйича кадрлар тайёрлашдаги номутаносибликни бартараф этиш;
- таълим йўналишига мувофиқ ҳолда ишга жойлаштириш;
- корхоналарда ёш мутахассисларни мослаштириш муддатларини ошириш;
- битирувчиларнинг бўлажак касбига қизиқишини ошириш ва бунинг натижасида ўз касбий нуфузига эга бўлиш мотивацияси.

Касбга йўналтириш фаолияти билан боғлиқ баъзи муаммоларни фақат таълим муассасаси доирасида ҳал қилиб бўлмайди, уни давлат даражасига кўтариш керак. Бу, биринчи навбатда, чекка қишлоқ ва шаҳарлардаги битирувчиларга тааллуқлидир,

уларнинг танлови бир ёки иккита йўналиш билан чекланган. Демак, уларни минтақанинг мавжуд имкониятларига қараб касбий йўналтириш зарур.

Иккинчидан, касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни давлат томонидан мувофиқлаштириш керак, бунинг асосида вилоят ва шаҳар ёшларини касбга йўналтириш дастурлари ишлаб чиқилади.

Учинчидан, ёшларни касбга йўналтириш учун корхоналар, бизнес ва таълим муассасалари ўртасида ижтимоий шерикликнинг инновацион моделлари ва механизмларини, яъни таълим кластерларини яратиш зарур.

Тўртинчидан, касбга йўналтириш ишларини қайта кўриб чиқиш, таълим имкониятларини ҳисобга олган ҳолда метод ва технологияларни такомиллаштириш зарур. Талабалар билан ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида касбга йўналтириш бўйича тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни амалга ошириш. Ушбу соҳадаги тажрибанинг афзалликлари, яъни бу фаолиятни аниқ ташкил этиш ва аниқ натижага йўналтиришни жорий этиш.

Бешинчидан, касб-хунарга йўналтириш соҳасининг мавжуд имкониятларини ёритишга ёрдам берадиган кластерларни жалб қилиш зарурий омилдир (Блинов вб. 2014, б. 38).

Шундай қилиб, бугунги кунда касбга йўналтириш ҳолатини турли даражадаги касбга йўналтириш амалиётининг инновацион кластерларига асосланган давлат бошқаруви иштирокида бозор иқтисодиёти шароитида янги шакл ва мазмунни излаш босқичи сифатида тавсифлаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, барча муҳим саноат тармоқлари кластери корхоналар, бизнес, илм-фан билан бир қаторда, таълимни ўз ичига олади ва нафақат касбга йўналтириш, балки талабалар ва ёш мутахассисларнинг касбий ўзини ўзи белгилашда жуда жадал фаолият олиб боради.

Академик Г.В.Мухаметзянованинг таъкидлашича, “педагогик таълим инновацион кластери – ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари билан ҳамкорликда бирлашган ўзаро боғланган касб-хунар таълими муассасалари йиғиндиси”. Кластерлар минтақа иқтисодиётининг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали йўналишларида ташкил этилган бўлиб, уларда энг жиддий, иқтисодий асосли ижтимоий кафолатлар бўлиши мумкин (Мухаметзянова-Пугачева, 2007, б. 144). Бўлажак ишлаб чиқариш ходимларини касбга йўналтириш ишларига жалб этилиши иш берувчиларнинг кластердаги ишлаб чиқариш бирлашмаларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги топшириғининг бажарилишига хизмат қилмоқда.

Олий таълим ва касб-хунар таълими муассасалари, умумтаълим мактаблари ва корхоналар ўртасидаги бундай яқин муносабатларнинг умумий мақсади фаолиятнинг асосий йўналишларининг функционал мувофиқлиги ва мавжуд ресурслардан мақбул фойдаланиш мавжуд бўлганда умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун истиқболли ҳисобланади.

Педагогик таълим инновацион кластери шароитида касбга йўналтиришнинг асосий мақсади талабаларга минтақа иқтисодиёти ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашда, ўқувчининг касбий мартаба ва ўзини ўзи ривожлантиришини лойиҳалашда ёрдам беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун педагогик таълим инновацион кластери да ёшларни касбга йўналтириш бўйича мутахассислар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этадилар:

- ҳудудда зарур бўлган касблар, мутахассислар тайёрлаш йўналишлари ва даражалари билан доимий равишда таништириш;
- ўқувчиларни ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари, айрим касб ва мутахассисликларга бўлган талаб динамикаси тўғрисида хабардор қилиш;
- касбга йўналтириш мақсадида талаба шахсини ўрганиш;
- барқарор касбий манфаатлар, ниятлар, истиқболларни шакллантириш;
- касб танлашга психологик тайёрликни шакллантириш.

Анъанавий тизимдан фарқли ўларок, кластер модели йўналишлар бўйича касбий соҳалар доирасида билимларни бирлаштириш учун асос яратади, билимларни бошқариш, янги билим ва технологияларни яратиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва ривожлантиришга қаратилган инновацион таълим парадигмасини шакллантиради. Кластер каналлари орқали эркин маълумот алмашиш ва инновацияларни тарқатиш рақобатбардошликни оширишда муваффақиятга эришишнинг янги усуллари ишлаб чиқишга олиб келади ва янги имкониятларни келтириб чиқаради (Мухаметзянова-Шайхутдинова, 2015, б. 10-14.).

Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтиришнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг касбий ўзини ўзи белгилаш жараёнини актуаллаштиришда таълим, тарбия, кадрлар, ахборот, илмий, ишлаб чиқариш ва этник-маданий салоҳиятларни бирлаштиришнинг синергик таъсири;
- касбий таълим олишда ёшларнинг хоҳиш-истаклари ва иш берувчиларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари бирлигини таъминлаш бўйича мақсад ва вазифаларнинг бирлаштирувчи характери;
- ўқувчиларнинг касбий ўзини ўзи белгилашини ҳуқуқий, ташкилий ва бошқарувчи таъминлаш, ушбу жараёнда иш берувчиларнинг тармоқ бирлашмалари, тадбиркорлик субъектлари вакилларининг иштирок этиш имконияти;
- касбга йўналтиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кластер аъзоларининг тармоқ ўзаро ҳамкорлиги (конференциялар, семинарлар, ишчи гуруҳлар ташкил этиш, ихтисослаштирилган интернет-ресурслар ва электрон почта рўйхатларини яратиш);
- ўзгарувчан меҳнат бозори ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш шароитида ўз тақдирини ўзи белгилаш субъекти сифатида шахснинг ижтимоий ҳаракатчанлигини ошириш;
- ҳамкорлар ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва шакллантириш;
- келажакдаги мутахассислик билан боғлиқ турли хил фаолиятда шахснинг имкониятларини аниқлаш учун янги шартлар;
- касб танлашда психологик-педагогик ёрдамнинг илмий-методик базасини ишлаб чиқиш ва танловни тузатиш, шахснинг мувофиқлигини текшириш ва баҳолаш;
- индивидуал касблар талабларга мувофиқ шахсий хусусиятларни шакллантириш;
- муайян касбни танлашда тиббий кўрсаткичлар бўйича чекловларни аниқлаш;

- ёшларнинг имкониятлари ва психологик хусусиятларига мос равишда мутахассисликни танлашда билиш фаоллигини ошириш;
- шахснинг касбий йўналишини ва ихтисосликни танлаш мотивларини шакллантириш;
- талабаларни касб-хунар таълими муассасалари шароитларига мослаштириш;
- ўзгарувчан меҳнат бозори шароитида касбга йўналтириш тизимининг самарадорлигини ўрганиш;
- таълимда узлуксизлик, таълим дастурлари сифатини ошириш, малака ошириш, касбий мартабага эришишга мотивацияни ошириш;
- ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг стратегик йўналишларида илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларга жалб этилган талабалар, илмий ва педагогик ходимлар улушини ошириш;
- битирувчиларни иш билан таъминлаш учун компаниялар доирасини кенгайтириш (7).

Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини мутахассислар фаолиятини кенг миқёсда ташкилий-методик таъминлаш, аҳолининг турли тоифаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари ва автоматлаштиришни жорий этиш, ахборот таъминоти ва касбий таълимни такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин.

Ташкилий-методик таъминот ахборот-маълумотнома ва методик материалларни ишлаб чиқиш, ихтисослаштирилган журналларни нашр этиш, иқтисодиётда рўй бераётган инновацион жараёнларга мувофиқ касб-хунарга йўналтириш бўйича кадрлар малакасини ошириш, касбий йўналтирилган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ўз ичига олади.

Ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш - бу кластердаги шахснинг касбий ўзини ўзи белгилашини қўллаб-қувватлаш тадбирлари мажмуидир. Ушбу комплекс диагностика материаллари орқали талабаларнинг касбий танлови муаммосини ҳал қилиш учун мўлжалланган.

Ахборот технологиялари ва автоматлаштиришнинг жорий этилиши касбга йўналтириш ишининг янги сифат даражасига кўтарилиш имконини беради, чунки у материални тақдим этишнинг янги моделига мўлжалланган - таржима қилишдан мустақил қидириш, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашга, талабаларга ўз билимларини шакллантириш, бандлик имкониятлари ва касбий мартаба ўсишини эътиборга олган ҳолда ўз касбий таълим таректориясини қуришга имкон беради. Бундан ташқари, ушбу жараённи автоматлаштириш кластернинг у ёки бу йўналишида тармоқ касбий жамоалари ва гуруҳларини яратиш имконини беради.

Ахборот таъминоти ва касб-хунар таълими алоҳида блок сифатида ҳаракат қилади ва ўқувчиларнинг касб танлаши уларнинг яшаш жойининг узоқлиги ва бошқалар билан чекланган ҳолларда зарур бўлади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: маълум бир минтақада талаб қилинадиган касблар рўйхати ва тавсифи, талаб қилинадиган касбларни ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш тадбирлари сценарийлари, ўқувчиларнинг ахборот таълими учун мультимедиа тақдимотлари ва диагностика материаллари. Бундай материалларга қуйидагилар киради: китоб фонди ва касблар ҳақидаги оммавий ахборот воситалари, талабага ўз шахсиятининг хусусиятлари ҳақида

маълумот олишга, фақат ўзи ҳақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам берадиган машҳур психологик адабиётлар.

Ҳозирги вақтда талабанинг касбий қизиқишларини аниқлашга қаратилган кўплаб интерактив дастурлар мавжуд. Улардан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин шуни тушуниш керакки, биринчидан, шахсий ривожланишидаги ҳар бир талаба бу ишланмалардан фойдалана олмайди, иккинчидан, сифатли талқин қилиш учун мутахассис керак. Оммавий ахборот воситаларининг аксарияти касбий қизиқишларни аниқлаш учун касбга йўналтириш тестларининг электрон версияларини тақдим этади.

Шундай қилиб, педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

1) касбга йўналтириш соҳасидаги педагогик таълим инновацион кластери учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

2) талабаларни касбга йўналтириш соҳасида ягона ҳудудий ахборот базасини (ҳудудий даражадаги мавзули интернет-ресурслар тизими), шунингдек, турли кластерлардаги касблар ва лавозимлар бўйича истеъмолчилар йўналишларининг очиқ маълумотлар банкини шакллантириш;

3) янги ва юқори технологияли касблар бўйича касбга йўналтириш бўйича видеоматериаллар тўпламини тайёрлаш ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш;

4) педагогик таълим инновацион кластери шароитида ёшларни касбга йўналтириш тизими фаолиятининг мезонлари ва самарадорлик кўрсаткичларини (таълим даражалари, фаолият турлари ва мазмун йўналишлари бўйича) ишлаб чиқиш;

5) педагогик таълим инновацион кластери даги ёш талабаларга касбий йўл-йўриқ кўрсатувчи илғор тажрибаларни (технологиялар, иш шакллари ва усулларини) мониторинг қилиш ва шу асосда танлаш;

6) бир неча даражадаги чуқурлик, мураккаблик ва тегишли илмий-услубий тавсияларни назарда тутувчи барча муассасалар учун умумий алгоритм асосида касбга йўналтиришнинг ягона технологиясини яратиш;

7) педагогик таълим инновацион кластери доирасида талабаларнинг касбий йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаш бўйича малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, шу жумладан ушбу турдаги мутахассислар учун зарур бўлган барча психологик-педагогик, бошқарув, умумий компетнциялар гуруҳларини ривожлантириш.

Педагогик таълим инновацион кластери асосида талабаларни касбга йўналтириш ишларини муваффақиятли ҳал этиш учун талабаларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашлари ва шунга мос равишда ушбу ишни турли йўналишларда лойиҳалашлари учун шарт шароитлар яратиш зарур.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

Konseptsiya organizatsionno-pedagogičeskogo soprovjdeniya professionalnogo samoopredeleniya obuçayuşihhsya v usloviyah neprerivnosti obrazovaniya / V.İ. Blinov, İ.S.Sergeev (i dr.). – M.: FİRO. -M.: Pero, 2014.-38.

Mihaylova, M. V.; Salaeva, A. L. (2014). *Klasterniy podhod v upravlenii obrazovaniem i kulturoy: polojitelny opit rossiyskih regionov* M.B. Mihaylova, A.L. Salaeva // *Klasterniy podhod k upravleniyu kulturno- obrazovatelnim prostranstvom goroda. Material nauçnopraktičeskoy konferentsii – Çeboksarı. S. 74-80.*

- Muhametzyanova F.Ş.; Şayhutdinova G.A. (2015). Teoretiçeskie i praktiçeskie aspekti proforientastii uçaşeyasya molodeji v usloviyah nauçno-obrazovatelnoyo klastera. *Kazanskiy pedagogiçeskiy jurnal*. 4, Ç. 1.- S. 10-14.
- Muhametzyanova G.V.; Pugaçeva N.B. (2007). Klasterniy podhod k upravleniyu professionalnim obrazovaniem. – Kazan: IIP PO PAO. – 144 s.
- Obrazovatelnye klasteri: teoretiçeskie voprosı sozdania i funktsionirovaniya/ Çuçkalova, E.I.; Mosunova, O.G.// *Ekonomika i predprinimatelstvo*. 9(38). – S.422-424
- Obrazovatelnyy klaster kak forma organizatsii klubnoy raboty v škole: uçebno-metodiçeskoe posobie/Florenkova, L.A.; Şerbova, T.V.-SPB, 2010
- Salaeva, A. L. (2014). *Klasterniy podxod v formirovanii fiziçeskoj kulturi obuçayuşıxıy: opit rossiyskix regionov*, A. L. Salaeva // *Novoe slovo v nauke: perspektivi razvitiya: materialı II mejdunar. nauç.-prakt.konf.redkol.: O.N.Şirokov (i dr.). Çeboksarı: TSNS “İnteraktiv plyus”*.
- Şaydullina, A. R. (2013). *Opit innovatsionnoyo razvitiya nauçno-obrazovatelnoyo klastera v usloviyah integratsii obrazovaniya, nauki i proizvodstvo: informatsionno-analitiçeskie materialı dlya 139 rukovoditeley i prepodavateley uçrejdeniy sistemi professionalnogo obrazovaniya, predstaviteley obşestvennih organizatsiy, nauçnih rabotnikov*, A.R. Şaydullina.-Kazan.

Extended Summary

Innovative clusters in pedagogical education play a crucial role in directing students towards professions. Pedagogical education innovation clusters are utilized in various fields of knowledge such as informatics, astronomy, music and chemistry, biology, linguistics, and others, each having its own distinct semantic core while preserving a common semantic nucleus. To better understand the nature of clusters and their collaborative nature, it is essential to acquaint oneself with the concept of "cluster" through its definition. The architect of cluster development in identifying and enhancing regional competitiveness, Harvard Business School professor Michael Porter, is widely recognized. Typically, the most competitive transnational companies are not randomly distributed across different countries but are sometimes concentrated in one country or even in a specific region within a country. This concentration in a particular locality or environment is explained by the positive impact exerted on suppliers, consumers, and competitors. The success of the surrounding environment also contributes to the further growth of the organization's competitiveness. Consequently, networks and groups of companies that are interconnected and interdependent, sharing common interests with positive effects on each other, are formed, referred to as "clusters." After the initial formation, additional clusters often emerge, leading to the overall international competitiveness of the entire country.

Clustering is defined by its unique characteristics as follows: a cluster is a dynamic structure on its own; an innovative center, the stable nucleus for the development of new knowledge, technologies, and products; clusters possess a high degree of interdisciplinary collaboration, not limited to specific boundaries, contributing to a high level of information exchange. Therefore, a cluster acts as an integration mechanism that facilitates the organization and intensive development of social cooperation among its members. In the context of pedagogical education innovation clusters, the effective implementation of vocational guidance for students is particularly relevant in today's world, given the close connection between education and the country's economy. The demand for the state's active support in expanding and enhancing vocational guidance activities, along with the effective collaboration of educational institutions with economic and social enterprises and services, is considered a crucial requirement in today's conditions.

The current state of vocational guidance, to a large extent, depends on the innovative clusters of vocational guidance practices, and the participation of the state authorities in the market economy conditions can be described as a stage of searching for new forms and content in the innovative clusters. From this perspective, all significant industrial sectors cluster corporations, together with business and science, integrate education into their structure. Not only does this approach contribute to vocational guidance, but it also actively engages students and young professionals in determining their own career paths. The rapid involvement of labor market participants in vocational guidance activities is crucial for the effective implementation of tasks related to workforce preparation and ensuring high-quality performance in cluster-based collaborative efforts. In the context of pedagogical education innovation clusters, the primary goal of vocational guidance is to assist students in choosing a profession, considering the economic needs and labor market conditions in the region, and planning for the individual's professional development. To achieve this goal, pedagogical education innovation

clusters involve specialists in vocational guidance – professionals with expertise in the necessary skills, training directions, and levels that are essential in the region, continuously familiarizing students with them. Other tasks include informing students about the dynamics of socio-economic development in the region, the specific demands for certain professions and specializations, organizing vocational guidance for individual self-discovery, shaping consistent vocational benefits, goals, and aspirations, as well as enhancing psychological preparedness for vocational guidance.

Different from the traditional system, cluster models primarily create a foundation for consolidating knowledge in vocational fields, managing knowledge, creating new knowledge and technologies, and preparing and developing skilled personnel within the innovation paradigm of education. Cluster channels facilitate independent information acquisition and innovation promotion, contributing to the expansion of competitiveness. They also develop new methods for successful achievement and bring forth new opportunities.

Pedagogical education innovation clusters, through the involvement of specialists, enable the broad implementation of vocational guidance activities for students. This includes providing extensive organizational and methodological support, strengthening social-psychological support for various groups of the population, introducing information technologies and automation, ensuring information supply, and enhancing vocational education. The organizational and methodological support involves creating and publishing information and methodological materials, publishing specialized journals, increasing the qualifications of personnel through the implementation of innovative trends in the economy, and directing trained personnel towards the relevant sectors. Social-psychological support includes a comprehensive set of measures for individual self-identification and empowerment within the clusters. This complex uses diagnostic materials to address the issues related to vocational selection.

The advancement of information technologies and automation enhances the quality level of vocational guidance activities because it utilizes new models for presenting materials, such as independent searching through translation, revising and storing information, shaping students' knowledge, creating opportunities for autonomy, and promoting the development of vocational skills and qualifications. Moreover, the automation of these processes within a cluster or a specific direction allows the formation of vocational communities and groups.

Information supply and vocational education act as separate blocks and operate in an independent manner, as the choice of profession by students depends on their living environment and may be influenced by external factors. They include the list and description of professions demanded in a particular region, scenarios for vocational guidance activities considering the demanded professions, multimedia presentations, and diagnostic materials for students' information education. Common information sources, as well as famous psychological literature, provide information about the characteristics of one's personality to help gain more knowledge about oneself.

Currently, numerous interactive programs have been developed to identify students' vocational interests. While these tools can be useful, it is crucial to note that not every student can benefit from them equally. It requires specialized guidance to interpret the results accurately. Most general information sources offer electronic versions of vocational guidance tests to identify vocational interests. To successfully accomplish vocational guidance activities within the pedagogical education innovation cluster, it is essential to establish conditions for students to define their own destinies and, accordingly, create necessary conditions for organizing projects in various directions.